


10 25618

10 25618
2

Икром
Отамурод



256f8

10. 2 | 2000A-1929
Онегину
Сергей Павлович
за заслуги,

2000A-1929 | 1999 | 150C

Икром Отамурод

СЕН

Шеърлар ва достон

Тошкент
"Қатортол-Камолот"
1999

Руҳият соғинчлари, армонлари, умидлари, ҳижронлари, ғамлари, хотиралари билан гўзал. Шоир Икром Отамуроднинг битиклари шундай туйғулар тарзи. Руҳияти шундай кечимлар майдони.


ISBN 5-633-01109-0

O 4702620206 1999
356(04)-99

25618

10

2



© Икром Отамурод
"Сен", 1999

* * *

Канглум, мендан бўлак киминг бор сенинг,
канглум, сендан бошқа менинг кимим бор?!
Не десанг дегувчи – ёлғизим менинг,
не айтсам айтгувчи – ўзинг хокисор...

Канглум, мени тушингувчи ўзингсан фақат,
канглум, фақат сени англаб етгувчи ўзим.
Менинг вужудимда улғаяр тоқат,
сенинг вужудингда фунчалар тўзим...

Канглум, ғамларимнинг ашқлари – дарё,
канглум, армонларинг қайғулари – тоғ.
Канглум, сени қаърига тортар бу дарё,
канглум, мени янчиб кетади бу тоғ...

Даҳри дун дайрида чирпираган гард –
канглум, бир кун кетармиз, чиқармай натоғ.
Кимгадир қолдириб ғарибгина дард,
кимгадир қолдириб ғарибгина доғ...

* * *

Касби кулоли ясаган кўзанинг
сувлари зилолдир,
сувлари зилол.

Кўмилган руҳимнинг ўзани –
кесилган ҳилол.

Кимгадир туюлар – парча лой,
кимгадир беписанд туфроқ – тан.

Қарайман,
бағридан олган қанча жой,
садо берар қанчалаб Ватан.

Қайта-қайта қарайман,
айлантириб –
ҳисларимнинг томири тизлар.
Кетади хаёлимни бойлантириб,
буйнига туммурдек бойланган излар.

Қатқалоқ кафтларнинг тафтини ҳўплаб –
Касби туфроғида палак ёйган гул.
Ўттан кетганида бир фасил тўхтаб,
chanqofinini bosar
ундан ҳорғин йўл.

Касби кулоли ясаган кўзанинг
сувлари зилолдир,
сувлари зилол.

Кўмилган руҳимнинг ўзани –
кесилган ҳилол.

* * *

Кетиб бораман шовқинлар орасида,
канглумга оғар залвор.

Сифмай, кўчаларнинг тош сийнасида
рақсга тушар мошинлар ёлдор.

Шовқинлар авж олар,
шовқинлар дик-дик,
заллар қовурғасин эзғилар сакраб.
Канглум ич-ичидан тортади ҳадик,
канглум ич-ичидан боради қақраб.

Қийқирап, овозга зўр берар ҳунар,
шовқинлар – томоша,
шовқинлар – бозор.

Канглум шифтларига ғуборлар қўнар,
канглум устунлари зирқирап зор-зор.

Гоҳ сезиб, гоҳ сезмай ўзимни пайвас
шовқинлар орасида кетиб бораман.
Канглум қаърида чирқираган сас –
сукунатта канглум ёраман...

...Шовқинлари мўл дунё,
шовқинларга кўл дунё.

Шовқинлар озоридан
ёқалари ҳўл дунё.

* * *

Изгирин ялаган сирпанчиқ,
тишларини ғичирлатар ях.
Букланиб тортади қирчанғи,
тойрилиб судралар чорчах.

Ойнадан сийрилган тариқдай,
болалар учади яхмалак,
Шовушдан бүғриққан ариқда –
музларга ёнбошлар чархфалак.

Томларнинг бошлари нам тортиб,
ҳазорисвон уфлайди ўхтин.
Тарновлар қошига ёй тортиб,
дариchalар қантарарап нўхта.

Нор чавандоз ётади шикан,
титрап – безгак кўксин тилади.
Эски дўсти Рўзиникидан
кўпкарига хабар келади.

* * *

Назар ташлаб мени толдирнинг ўйга,
Ким бўлдинг, нигоро, бағримни ўйган,
Балки сен суйдирган, балки мен суйган,
Мен сени қайларда кўрганман, сунбул?

Эслайман энтикиб хотирларимни,
Канглумда зил қотган қотирларимни,
Умидсиз умидвор ётиrlаримни,
Мен сени қайларда кўрганман, сунбул?

Келганим, кетганим, сус қотганларим,
Нигорон термулиб уҳ тортганларим,
Афсуслар, пушмонлар ўқ отганларим,
Мен сени қайларда кўрганман, сунбул?

Ошно айлар мени ўзига хаёл,
Ҳайрона туурман, ҳайронаман, лол,
Жавобсиз қолгайдир, жавобсиз савол –
Мен сени қайларда кўрганман, сунбул?

Назар ташлаб мени толдирдинг ўйга,
Ким бўлдинг, нигоро, бағримни ўйган,
Балки сен суйдирган, балки мен суйган,
Мен сени қайларда кўрганман, сунбул?

* * *

Сабуҳ. Дарвозани очиб, сув сепиб,
Кўчани супуради келинлар.
Шайдойи насимлар мушкини ўпиб,
Ғунчаларнинг лаби тилинар.

Олмалар бўйлайди кўчага,
Деворлар оша ҳуркиб, қимтиниб.
Хўрсинар нафаси тушиб ичига,
Қомати дол толлар эмтиниб.

Қуёш рўймолини қўндириб қия,
Эриниб кўтарар мужгонларини.
Кўйвориб юборар кекса оқ қия,
Бағрида асраган ғужғонларини.

Бир-бирин чимчиллаб, пешбандин пешлаб,
Кангулларига чизиб соғинчли излар,
Сирларини елкага ташлаб.
Қайдадир далага жўнайди қизлар.

* * *

Үйимда яшайди бир соғинч,

бир соғинч –

Қашқадайро.

Хотирим сүқмоқлари – боғич,

армоним йўллари – айро.

Қизғалдоқ сочвоғи узилар,

синади қўзигул тақсими.

Сариқ тол буғдойлар чўзилар –

бош қўйиб соғинган кўксима.

Ҳуриллаб эssa гар ногаҳон,

қадрнинг париваш насими.

Канглум кўтарилар,

кўтарилар аён,

эшитсан Қашқадайро сасини.

Келса, келаверса, эшикни очиб,

тортинмай кунми ё тунлари.

Унутар ўзини

селобин сочиб

боролмай қолган кунларим.

Меҳрлар товланиб тўкилар,

бағрига босади бағрини.

Соғинчлар пойида букилар –

тошқотган зиналар сағрини.

Кенгаяди
кенгликлар тахлит,
совуқ деворларни кийган хоналар.
Бир лаҳза яйрайди
тўрт ёғи яхлит,
олис кенгликларни ёналаб...

Олис кенгликларда...
тонг отур...
сас бериб руҳимда сиёғи...
Қашқадайро –
соғинчимни симирган хотир,
Қашқадайро –
соғинчимнинг узгун қиёғи...

* * *

Мен сени ўйлайман, хаёлга чўмиб,
хаёлга чўмади боғлар.

Мен сени ўйлайман... яфроғлар мўмин
даражтларни тарқ этган чоғлар.

Хаёллар келади қуюлиб,
мавжланади хотир селлари.
Ёдимга киради уюлиб
тирамоҳнинг салқин еллари.

Мен сени ўйлайман... энди
қолдирганинг менга ўй, хаёл.
Боғларимга тирамоҳ инди,
тирамоҳ силкитади ёл.

Хокистар канглумга ўзин ташлайди
узоқ йўлда толиққан ҳислар.
Сўнг расмини чиза бошлайди,
хазонларга кўмилган излар.

Мен сен ўйлайман, хаёлга чўмиб,
хаёлга чўмади боғлар.

Мен сени ўйлайман... яфроғлар мўмин
даражтларни тарқ этган чоғлар.

* * *

Салқин-салқин кунлар бошланди,
бошланди салқин тунлар.

Қурум босган түйнуклар энди
бўралайди тутунлар.

Сочилар пойларга осмоннинг
жамалак зулғи – суманлар.
Чодир тикиб энди тўрт ённи
босиб келар туманлар.

Олислардан қарайди қуёш,
энди олисларда ёнади.
Энди пўпанак бойлаган тош
қабоқлари синади.

Ой нурлари тўкилган гавжум
хиёбонлар энди ҳувиллар.
Паймонарни ўғирлаган гужум
энди тушларида шивирлар.

Кангулларда уйғонар сукут,
кангулларда сукутга қайтиш.
Энди хотирларга қулоқ тутиб,
энди хотирларни айтиш.

Энди ҳаво азмидан чўчиб,
машуқалар бузади аҳдин.
Энди олдоқчи шамоллар макрига учиб,
яфроғлар ташлаб кетар дарахтин.

Кангул ришталари тоб ташласа гар,
Гардун меҳварига дарз кетар сар-сар,
Меҳр тафтларидан яралган гавҳар –
Ватан, кангулларда меҳрга отлан!

Қалблар бир-бирининг пайвости, хеши,
Софинар, қайрилар қалб торин эшиб,
Қадр иззатлари улғайган бешик –
Ватан, кангулларда қадрга айлан!

Қадим садоларнинг томирларида
Оққан мардоналиқ бўлмасин майда,
Фуур шонлари бўй тортган дийда –
Ватан, кангулларда фуурга айлан!

Сабр саболари элади сабот,
Ҳидоят кишварин синови бот-бот,
Имон нурларидан заргун муножот –
Ватан, кангулларда имонга айлан!

Покиза ҳис бўлиб дилларга кўчгин,
Руҳият арконин руҳларин қучгин,
Жон кушлари куйиб сифинган очун –
Ватан, кангулларда Ватанга айлан!

Ватан... кангулларда... Ватанга... айлан!..

* * *

Шамс дейинми, дейинми қамар,
юрагимда интизор дунё.

Сиздан чирой олади қамар,
шамс-да сиздан олади зиё.

Сиз – бувишсиз, сулувсиз, дилсиз,
канглум мулкин малойиклари.

Сизсиз фариб, қолади дилсиз
ишқ элининг халойиклари.

Сарвлар қарап, ашклари найсон,
назокатга чайилган туши.

Гуллар сиздан ишорат кайсон,
гуллар сиздан тараган қўшиқ.

Рафтингиздан эрийди қаттол,
нигоҳингиз қалдирғоч тахлит.

Бахтли сизни суйганлар, ҳатто
ҳажрингизда куйганлар бахтли.

Шамс дейинми, дейинми қамар,
юрагимда интизор дунё.

Сиздан чирой олади қамар,
шамс-да сиздан олади зиё.

* * *

Номли-номсиз дардлар руҳингга чўкар,
Миянгни эговлар нотаниш шовқин.
Куйинчак феълингни ҳамдардлик букар,
Шиддатинг синдирап ноҳақлик шавқи.

Ўйламай айтилган сўзнинг бағри тош,
Бемавруд мосуво – доғ суюнган тахт.
Иложсиз дийдангдан сириққан кўз ёш –
Буюк армон – ЎТАЁТГАН ВАҚТ!

Қисқартар суяксиз чўзилган совуқ
Мўътабар ҳайкалнинг узун қўлини.
Қадрсиз қадрким келади ёвуқ –
Қаттиқ ботар эътиқоднинг ўлими.

Қадимиш шаҳарнинг тушларин бўлиб,
Караҳт ярим тунда кириб келар нақд:
Қатъий қонуният – чопаётган йўли,
Поезд – ЎТАЁТГАН ВАҚТ!

Тийфи паррон чархнинг шеваси яфмо:
Қувончлари – ўтрук, азоблари – ҳақ!
Бир субҳи содиқда уйғонган сабо
Янглиғ, мен-да – ЎТАЁТГАН ВАҚТ!

* * *

Иккимиз ҳеч қачон бўлолмаймиз дўст.

Шу бўлди

мен англаб етган ҳақлигим.

Мен имон келтирган ростлик
шу бўлди.

Етар, то шунга қадар

ўзимизни алдаб келганимиз ҳам.

Бугун, мен ўзимда шундай куч топдим,
кечдим деган –

аччиқ заҳарни ичишга қодир.

Канглум равшан тортдики бирам,
бу заҳри қотилнинг ширин таъмидан.

Мен –

саҳнада ёниб турган

оловга ўзини урган парвона.

Сен –

олов ҳилидан хавотир олиб,

саҳнадан жон ҳолатда қочиб чиққан

кўрқоқ томошабин.

* * *

Софинчимни сўйласам мабод,
соғиниб кетасан суйгулим.
Сени ҳар гал ўйласам,
сабот
тўкилади кул бўлиб.

Кўтардим армонлар юкини:
қайғунг ширин,
фироғинг ширин.
Яшайман ўзимдан бекина,
сени ғуборлардан яшириб.

Канглум маскунига қамайман:
неки ҳисни,
неки ҳавасни.
Софинч ямоғи-ла ямайман,
соғинч йиртган қафасни.

Дилимни очаман ғамларга,
ғамлар руҳимнинг бўёғи.
Ой хуштор қараган томларда
дукуллайди шамол туёғи.

Ёлғизлик – канглумнинг кертиги,
зальфарон – ҳажрнинг доғида.
Тинглайман висолнинг эргагин,
хаёлнинг тувлаган боғида.

Ҳар гал қисқа – дийдор қароси,
дарди оғир хайр дейишнинг.
Мен – кутишнинг зор фуқароси,
маликаси – сен кутдиришнинг.

Сен тадорик этаверсан,
мен армонда толавераман.
Сен соғиниб кетаверасан,
мен соғиниб қолавераман.

* * *

Узоқларда иккитә қора
кетиб борар...
Фира-шира илғайди нигоҳ...
Сингигандек қумнинг қаърига
икки томчи...
Кўринмай кетар... Уфқ бағри оч...
Қора рўймолини бошига танғиб
чўккалайди тун..

* * *

Хатом ўзимники, айбим ўзимники,
ўзимман савол, ўзимман жавоб.
Ортса фақат ортар ўзимга юкин,
тортса фақат тортар ўзимга явоб.

Бўлса фақат бўлар ўзимнинг ўзи,
тўлса фақат тўлар ўзимнинг чашмим.
Дурри фалтон зорларим тўзир,
лаъли раҳшон хорларим ташна.

Таъна қилса қилар ўзимга фақат,
нигоҳин қадаса ўзимга қадар,
Озоримни севади тоқат,
озоримни ювади кадар.

Ўзим ўртанаман, ўзим тинаман,
азобда қоврилар ўзимнинг жоним.
Ўзим кўтараман, ўзим синаман –
сабий синони.

* * *

Тунги дарё – узала тушган қилич.
Бўлак-бўлак туннинг кўҳна ёстифи,
оқиб ётар-р тош-ш-лари...
бўлак-бўлак...

Тунги дарё... чайқала-чайқала,
тўлғона-тўлғона,
тилик-тилик тилар шабада кўксин...

Тунги дарё...

Бойқуш овози – ҳаросат...

Сукунат – тоғолча бошида рўмол
сочвоқлари сочилиб-сочилиб...

Тунги дарё...

Юлдузлардан бўсалар олиб,
сочларини тарайди ойнинг...

Тунги дарё...

* * *

Юрагимда армон-армон
бўлиб-бўлиб ётар ғам.

Юрагимда хирмон-хирмон
тўлиб-тўлиб ётар ғам.

Юрагимда уммон-уммон
қалқиб-қалқиб ётар ғам.
Юрагимда тумон-тумон
ҳалқиб-ҳалқиб ётар ғам.

Юрагимда тоғлар-тоғлар
чўкиб-чўкиб ётар ғам.
Юрагимда оғлар-оғлар
тўкиб-тўкиб ётар ғам.

Юрагимда дайро-дайро
оқиб-оқиб ётар ғам.
Юрагимда айро-айро
боқиб-боқиб ётар ғам.

Юрагимда узун-узун
боғлаб-боғлаб ётар ғам.
Юрагимда ўзин-ўзин
доғлаб-доғлаб ётар ғам.

* * *

Бегали Қосимов қизини узатди,
Қашқадайрого – туғилған юртига.
Тұнғич қизини,
суюкли қизини кузатди –
ёришди қанглиниң үртиги.

Макон эрди унга узоқ йил пойтахт:
асли Ватан надир,
қадим әл надир?!

Ватан – ғуурлардан бино бўлган баҳт,
Ватан – соғинчлардан яралган қадр.

Бегали Қосимов сиғинди Оллоҳга,
Олис қишлоғига сиғинди бу кеч.
Бу кеч,
пойтахтдан учди Қашқадайрого,
Ватанини соғинган соғинч!

* * *

Эзилган аёлни ташвиш йиқар-да,
ҳаяжон канглига бегона туйғу.

Туман – кун ботарда, чанг – кун чиқарда,
күйгани – мусибат, толгани – қайғу.

Жоним деган сүзга сиғиниб, толмас,
ҳовурға сингимас ойдайин бўлиб.

Бир лаҳза борлиқни унута олмас –
Мажнуннинг бағрида тўлғаниб, тўлиб.

Софиндим унга ёт, кутдим унга ёт,
мехр оғушида ёнмайди титраб.

У юрган йўлларда ғам қалашган бот,
у қўнган манзилнинг биноси идрар.

Тиллари қовжираб, лаблари қувраб,
эркалаб куймайди, чатнаб куймайди.
Ташвишлар домига тортадичувраб,
ташвишлар беражм, қўймайди.

Боши тепасида ташвишлар ўқдай,
ўқталиб туради, билар номма-ном.

Ташвиш – кунларига энг сўнгги нуқта,
ташвиш – тонгги биринчи пайғом.

Эзилган аёл қисматга санчилар:
туйғулари – зардоб, ҳислари – нолон.
Юрагини довсиз-довсиз қамчилар
ташвиш – фужанак илон.

* * *

Сен мени эслайсан, эслайсан бот-бот,
ёдимдир ёдингга қафас.

Рұхингга ин күйган хотирот –
бостириб келади ҳар нафас.

Силтайсан қаҳрнинг гайбурин. Ҳаддим
ташламоқ бўласан сидириб.

Бари бир... канглунгга киради ёдим,
бари бир... ройишинг қулфин синдириб.

Измингта бўйсунмас бевош хотира –
сўлим боғларида кутаверади.

Қачонлардир... ёлғиз дараҳтинг... хира
кўз ўнгингдан ўтаверади.

Шивирлар. Изҳорлар. Аламинг келар –
ўйларингга чигилар тугун.

Ойнинг нурларига тўлгандан-тўлар,
сени хотирага никоҳлаган тун...

* * *

Яқиндирсан савол қадар,
Йироқдирсан жавоб қадар,
Юрагимни сүрган кадар –
Тұлқин, тұлқин, тұлқин-а.

Сочларингни ўпар шамол,
Қарофингга қўнар ҳилол,
Софинчларим бағрида хол –
Зулфин, зулфин, зулфин-а.

Наззора айлагин гулим
Зорлиқлардан тилим-тилим,
Бир бора яйрасин дилим
Гулгун, гулгун, гулгун-а.

Ёндирсин кўзларинг хуммор,
Киприкларинг жонимга дор,
Жоним-ай, жонимга нисор
Бўлгин, бўлгин, бўлгин-а.

Яқиндирсан савол қадар,
Йироқдирсан жавоб қадар,
Юрагимни сүрган кадар –
Тұлқин, тұлқин, тұлқин-а.

* * *

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... қадамларимни.

Қарай-қарай бир кун қароги толар,
Хўрсиниб ютар сўнг аламларини.

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... пайканларини.

Юраги тўкилиб ёдига олар,
Тонгда ўтиб, оқшом қайтганларимни.

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... тош отганларини.

Гоҳида изфирин, гоҳида қорлар,
Канглумга гайбурдек ботганларини.

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... ўй эзганларини.

Хаёлимни тортиб соҳибжамоллар,
Хаёлимда кезганларини.

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... дўнг ҳам пастқамлари.
Канда қилмай мен юрган онлар,
Канда қилмай кузатган дамларин.

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... ўтганларимни.

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар,
Йўлларни соғиниб кетганларимни.

Бир кун... йўллар мени соғиниб қолар...

* * *

Таътил тугар. Яна шаҳарга
Икром – фариб жуссанг йўл олар.
Дов бермас қайрилиб қарапга –
юрагинг узилиб қолар...


Қайтасан, ёдларингни олиб:
Қашқадайро – титилган тасма.
Софинчларин канглунгга солиб –
термулганча қолади Касби...

Қум босиб, чашмалари йитган,
қайранглари шўриш ютган жар...
Лайлаклари қайтмайин кетган –
доғин сўрган Султон Мирҳайдар...

Тўриқлар дупуридан босмон,
тўлғаниб-тўлғаниб тушган бўз...
Янтоқларнинг ялаги – осмон,
қўзигуллар мунчоғи – юлдуз...

Қизғалдоқлар ноласи – тўрфай,
неларнидир сўйлар живиллаб...
Поезд пойи остидан пай-пай,
тўкилади йўллар шивиллаб...

Қарайсан, вагон ойнасидан ой
кокилларин энкайтиради.
Кенгликларга айландинг бир ой,
бир ой руҳинг кенгайтиради...



* * *

"Ишім юришади маشاққат билан,
алам қилар", дейсан. Тұлиқиб қанғлунг...
Дунё қачон мискин бошин силаган,
қачон мунис дардин англаған, синглім?!"

Мурувват баҳрида чириган чағир,
меҳр манзилида қақраган қатрон.
Соҳир умидингнинг елкаси яғир,
тақо тоқатингнинг тоқати тақрон.

Үксиниб, бухсаниб, қайғуда куйиб –
камингга эн излаб чирпирак.
Ич-ичингдан йиғлайсан түйиб,
ич-ичингдан ғамлар пирпирап.

Имкон тариқларин термадинг ёлчиб,
топмадинг фуржини.
Йўлларингда туарар ҳалқуми очиқ,
имконсизлик хуржуни.

Маъсум ўйларингнинг тилик тилаги,
руҳинг аршида мунг қасри бунёд.
Давворнинг қатқалоқ қотган әлаги,
бардошингни әлайди ёд-ёд.

* * *

Тамом, паймонлар тамом,
Шафқату ёнлар тамом,
Туганмас онлар тамом,
Сен энди олисдасан,
Мен энди олисдаман.

Фурур – тортилган камон,
Гина тамом, ашк тамом,
Қайрилмадим мен ёмон,
Сен энди олисдасан,
Мен энди олисдасман.

Яфроғдек сүлди умид,
Фам ютиб түлди умид.
Кун күрмай ўлди умид,
Сен энди олисдасан,
Мен энди олисдаман.

Күзғолса ўр-ўронлаб,
Юракларда бўҳронлар,
Кўчгай ожиз ёлғонлар,
Сен энди олисдасан,
Мен энди олисдаман.

Чўккан тоғлар – хотира,
Кўксин доғлар – хотира,
Ўқсиб оғлар – хотира,
Сен энди олисдасан,
Мен энди олисдаман.

Фироф йўлларни кесди,
Ҳижрат насими эсди,
Умр – қайғу, афсусдир,
Сен энди олисдасан,
Мен энди олисдаман.

* * *

...Ва бошқалар – номи йўқ исм,
эрғашиб юради қаторда.
Ва бошқалар – тош босмас жисм:
на вазни бор,
на ҳажми бор-да.

Ва бошқалар – маконсиз манзил,
ҳар кўчага бош суққан бурум.
Ва бошқалар – эгасиз камзул –
дуч келганнинг бастига сурум.

Ва бошқалар – саноғи йўқ сон:
ўнлаб,
юзлаб,
минглаб.

Ва бошқалар – айтилиши осон
шунчаки бир йўлидаги гап.

Ва бошқалар – қиёфасиз шакл:
илғанмаган,
ҳис қилинмаган.

Ва бошқалар – серрайган тақал:
қувончдан,
қайғудан тилинмаган.

Ва бошқалар – тўлдирувчи ҳол –
таскин тўкилган изсизлик.

Ва бошқалар – муаллақ мисол
тўқиган муаллақ чексизлик.

* * *

Бир нигор ишқига боғланди хаёл,
Васлин умидига чоғланди хаёл,
Йўлларнинг дөғига доғланди хаёл,
Софиниб-софиниб тўкилар дилим.

Чарх уриб ўйлари ўйлантиради,
Руҳимни кўкларга бўйлантиради,
Кангулни кангулга сўйлантиради,
Софиниб-софиниб сўкилар дилим.

Еллар пичиридан пайғомлар кутиб,
Ишонч шевасига бағрини тутиб,
Қамарсиз тун ўтиб, шамссиз кун ўтиб,
Софиниб-софиниб букилар дилим.

Жоним риштасида тўзимлар тўкин,
Гуллайди қарогум дийдаси ўкин,
Зорига интизор қайрилиб бир кун,
Софиниб-софиниб ўқилар дилим.

Бир нигор ишқига боғланди хаёл,
Васлин умидига чоғланди хаёл,
Йўлларнинг дөғига доғланди хаёл,
Софиниб-софиниб тўкилар дилим.

Муюмлар уюми орасида турган кимса –
 бор-йүғи бир муюм.
 Муюмлар қалашма-қалаш,
 термулар совуқ.
 Ачиниб кетаман,
 ҳайфим-да келади бул кимсага.
 Бул кимсага қа-ра-аб тури-иб-б,
 тасаввуримда пайдо бўлар
 ажабтовур кўриниш,
 ажабхил ҳолат –
 чирмовиқлар ўраб олган нотавон дарахт.
 Чирмовиқлар ўраб олган нотавон дарахт –
 муюмлар уюми орасида турган кимса.
 Ихтиёрин олиб аввали,
 танасига ин қўйиб сўнгра,
 қувватини сўриб борар кунма-кун
 ва... ниҳоят,
 кўринмай қолар бўйи ҳам
 бул кимсанинг муюмлар уюми орасида...
 Муюмлар уюми орасида турган кимса –
 бор-йүғи бир муюм...

* * *

Югурап вақт. Тиришади йўл.
Кутаман. Мижиқлар хавотир.
Ҳовлиқиб келаётган ўнгу сўл,
Яна-да ҳовлиқиб кетаётир.

Қарайман. Умидим масради
тугайди. Тураман синиқиб.
Интизор руҳимнинг ҳасрати –
кафтимда терлайди димиқиб.

Келмадинг. Биргина сас чўнграп –
яримлабди томоша тани.
Алам билан ғижимлаб, сўнgra,
йиртиб ташлайман айбсиз чиптани.

* * *

Ҳар гал мени етаклаб келар,
хұзуриңгә соғинч, бувишим.
Ҳар гал айтмоқ гапларим тұла,
ҳар гал дилда қолар увишиб.

Ҳар гал қотар тахти дандоннинг
тилиң тишлиб шибирғалари.
Юрагимга ботар сандоннинг
йүнгән чайир қобирғалари.

Ҳар гал қарофимда илтижо –
қарофингга сингиб кетойин.
Ишқ дайрида битилган ҳижко –
оҳдир,
оҳдир –
тазаллум ойи.

Ҳар гал шам ўтида ўртаниб,
канглум томиғлайды симгина.
Ҳар гал қотил оллида, жоним,
күзларим сўзлайды жимгина.

* * *

Канглум, яна сенга бақамти келдим,
канглум, яна мендан кутдинг ҳидоя.

Канглум, юрган йўлларим сен сори елди,
канглум, турган бекатларинг менда ниҳоя.

Канглум, яна сенга қилдим тавалло,
канглум, яна менга термулдинг сузор.

Канглум, мен – ситамлар пайкони, илло,
канглум, сен – андуҳлар узилган узор.

Канглум, менга таъсиб кунёлар жизғонч,
канглум, сенга етмайди қасм шитоби.

Канглум, менга насиб дунёлар қизғонч,
канглум, сенга қотмайди насим итоби.

Канглум, сенинг тасаллингга зориқдим яна,
канглум, менинг таскинимга интизор анғиз,
Ёлғиз ўлтирибман, канглум – ёлғизгинам,
Сен – менда ёлғизсан,
мен – сенда ёлғиз.

Канглум, яна сенга бақамти келдим,
канглум, яна мендан кутдинг ҳидоя.

Канглум, юрган йўлларим – сен сори елди,
канглум, турган бекатларинг менда ниҳоя.

* * *

Узоқнинг гапи – кутилмаган хабар,
шошириб қўяди бирдан.

Сўроқлар изма-из келар ҳар сафар:
Ҳа! Нима? Ким? Қачон? Қаердан?

Узоқнинг гапи хушми, нохушми,
домига илдириб тортар ҳар томон.
Суст қотиб тинглайсан, ўнглолмай ҳушни,
узоқнинг гапидан қўрқасан ёмон.

Узоқнинг гапи – дудула,
тўр тўқир чилимкаш ҳаросат.
Юрагингни титар ғулғула,
узоқнинг гапи – саросар.

Хавотир оласан, канглунг алағда,
бузади тахланган муродинг тахин.
Узоқнинг гапи – номи йўқ доғда,
узоқнинг гапи – ваҳим.

Хаёлинг тўзғийди – чирпирак,
бўлиниб-бўлиниб кетади барза.
Узоқнинг гапи – занглаған ғилдирак,
узоқнинг гапи – ларза.

Ўрнингдан турасан сапчиб бир қурса,
сочилган ўйларинг йифасан буткул.
Узоқнинг гапи – кечиккан фурсат,
узоқнинг гапи – каловланган йўл.

Узоқнинг гапи – кутилмаган хабар,
шошириб қўяди бирдан.
Сўроқлар изма-из келар ҳар сафар:
Ҳа! Нима? Ким? Қачон? Қаердан?

* * *

Мен сенга қараганда, дарахтлар түсиқ бўлди,
Бўй-бўйига қизғониб, йўллар ҳам ўсиқ бўлди,
Канглум маҳзанларида унгани ўксик бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

Кўзларим қароғида ғамларим оқиб бўлди,
Ўнг келмаган тушларим бағрини ёқиб бўлди,
Ишқ мөхварига армон кошинлар тақиб бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

Лаб босганим ташналаб дарёлар қуриб бўлди,
Жонима ситам бериб, жонима чириб бўлди,
Мен меҳмон бўлган дунё бунчалар ғариб бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

Мен сенга қараганда, дарахтлар түсиқ бўлди,
Бўй-бўйига қизғониб, йўллар ҳам ўсиқ бўлди,
Канглум маҳзанларида унгани ўксик бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

* * *

Туфроққа сингиган томчидек маҳзун,
кетдинг жим, юрагим зориқди.

Ҳажрнинг шафоат дамлари афзун,
умиднинг қайрилган қири ориқдир.

Настарин чечаги сирин айтмади,
мушкини сочмади суманбар ақал.
Ўртанганди дилимда чатнади –
себарга тўқиган тақал.

Бувишим, зорингга айландим,
айландим армонга шаҳсувор.
Дилситон хорингга айландим –
ғамғусор, ғамғусор, ғамғусор.

Недур, хотирларга ниғорон боқиб,
недур, соғинчларни титаман секин.
Муштипар хотирлар маҳфил маноқиб,
мушфиқ соғинчларим қалқиёйди сокин.

Туфроққа сингиган томчидек маҳзун,
кетдинг жим, юрагим зориқди.
Ҳажрнинг шафоат дамлари афзун,
умиднинг қайрилган қири ориқдир.

* * *

Тўзғиб ётар дагар ёбонлар –
енгилтак шамолнинг қанотида.
Бир кун келар буюк бўҳронлар –
Амир Темурнинг чайир отида.

Дайди итлар керишиб қотар –
танларини кунгайга тоблаб.
Янтоқларнинг тишлари ботар –
даштнинг сўнгги сабрини ҳўплаб.

Зор қақшаб вужуддан ташқари –
соғинчлар вужудга тўқинар.
Кўзи оч қарғалар лашкари
ҳайдалган туфроқни чўқилар.

Бу кеч тун чўзилди. Оҳ, ялдомиди юлдузлар оёғига йиқилгани?!

Азобми, қийноқми ё алдовмиди дунёниг чўнтағидан тўкилгани?!

Ялдо оқшомида бора олмадим – сен томон, бувишим, очилмади йўл. Лайлатул-қадр ҳам ўта қолмади, Сомон йўли кўз ёшимдан ҳўл.

Осмон – мижиқлаб ташланган қуроқ, юрагимга ботар ойлар хўрсиниб.

Руҳим манзарлари тўкилган тупроқ, Гўрўғли ёйидек ётади синиб.

Йўллар ғаним бўлди. Тун бўлди оғу. Умидим дайрида бандидир бўзим. Сен-ку, кечирарсан имконсиз чоғи, лекин кечиролмам ўзимни ўзим.

* * *

Сени олиб кетаман,
ўзимни ўтга уриб.
Лабларин ялаб батан
ғанимлар қолар қуруқ.

Ит тирнаб ичларини
ой ютиниб қарайди.
Жамалак соchlарингни
соғинчларим тарайди.

Умидимда унган гул,
чаҳми гирён тўлувим.
Руҳимдаги тахайюл,
қайғумдаги сулевим.

Ўйларимни титаман,
сўз излаб керагимга:
сени олиб кетаман
соғинган юрагимга.

* * *

Күлф узоқ кутди, күп узоқ кутди,
үтганга, қайтганга термулди илхақ.
Йүллар-да ёнидан югуриб ўтди,
йўловчилар ўтди бепарво, бефарқ.

Шамоллар сездирмай ўтди сийрилиб,
кўкрағида ҳовур қилмас муножот.
Чатнаган бардоши, кетди ийрилиб,
қайғулари – малҳам, армони – нажот.

Тили йўқ. Айттолмас. Ютди аламин.
Оғриди ичида қамалган дарди.
Эски дарвоза – бош қўйган олами,
эшитгани – силтов, кўргани – зарда.

Бир кун тинди, сабрин эритган намлар,
йўлиқди хайрхоҳ бир зот йўлига.
Қулфнинг юрагида занглаган ғамлар
шовуллаб тўкилди нимжон қўлига.

* * *

Йўл юрарман, оё-оё,
Руҳимни симирап рўё,
Фироғлар гарди тўтиё,
Кўзимда нам бўлак-бўлак.

Изҳору зор барин-барин,
Ичга ютиб сардафтарин,
Яфроқ мисоли мистарин
Ўтгувчи дам бўлак-бўлак.

Сайролари сайри-сайри,
Тўкилиб, сочилиб тайри,
Нурларидан бўлиб айри
Ганжина шам бўлак-бўлак.

Югурап тинмайин сар-сар,
Дов айлаюр, қолдириб дар,
Гардишидан тутдирмай бар
Дунёи кам бўлак-бўлак.

Софинглар ўсаюр гул-гул,
Ҳажристон боғида сунбул,
Армонларнинг болиши бул –
Канглумда ғам бўлак-бўлак.

* * *

Пойида соғинчлар ухлаган уйнинг,
эшиги фийқиллаб очилар бир кун.

Йиртилиб соғинчнинг қирқ ямоқ тўни,
баридан тирқираб сачрайди сукун.

Юрагим орқага тортади шунда,
шувиллаб кетади, сўкилиб кетар.

Шифтларда тортанак тўр тортган индан.
минг йиллик армонлар тўкилиб кетар.

Лоларанг бўёқлар намиқиб, тўнгиб,
гуллаган деворлар суйрилар хол-хол.
Ичкарида қатрон бойлаган мунгни,
силтаб ташқарига ирғитар шамол.

Пойида соғинчлар ухлаган уйнинг,
эшиги фийқиллаб очилар бир кун.

Йиртилиб соғинчнинг қирқ ямоқ тўни,
баридан тирқираб сачрайди сукун.

* * *

Сўзларингда тиграйди гила,
нигоҳингда хўрсиник.
Умид – дундан бир шафқат тилар –
юрагингнинг дарзига қўниб.

Ўксик канглинг равоқларидан
кўчган афсус – раҳим сўрайди.
Пушаймоннинг қийноқларидан
беназир илтижо қарайди.

Билмайсанки, зил кетиб қати –
паймонларнинг тахти қулаган.
Соб бўлган дунёning шафқати,
дунёning раҳми тугаган.

* * *

Кўзларингни тўйдир қизғалдоқларга,
лабларингни босгин, термилгин зор дил.
Найсонлар мавсуми – кўклам чоқларда,
Қашқадайро ёқларга боргил.

Кенгликлар кўтариб чопар алвон туғ,
қарагин, уфқлар қизарап ўчлик.
Ўт олсин канглунгда совиб қолган чўғ,
руҳингда уйғонсин ухлаган очлик.

* * *

Кимдир сени соғинса дилдан,
Күмсаса, талпинса сен томон.
Демакки, сен яшаяпсан чиндан,
Демакки, сен бордирсан омон.

Кимдир сени ўйлаб, ўртаниб,
Faюр күзга синондек ботса.
Демакки, сен меҳрибон фани,
Демакки, сен вафодор дўстсан.

Кимдир сенга омонлик тилаб –
Яратганга айласа дуо.
Демакки, сен исёнкор Машраб,
Демакки, сен сарбадор – фидо.

Кимдир сенга отса таъна тош
Орқавотдан ҳар дақиқада.
Демакки, сен қуламас бардош,
Демакки, сен зўр ҳақиқатдан.

Кимдир сени тушида кўриб,
Армонларин қучоқласа хун.
Демакки, сен баҳтиёр Fариб,
Демакки, сен марзибон Мажнун.

* * *

Мен бир – армон, мен – бир хотира,
Софинч зардобини сипқаар қуун.
Қуёш нилларини ғамга ботириб,
Юрагимга ўксис ботади ҳар кун.

Юрагимдан ўксис чиқади қуёш,
Туннинг ҳасратларин чегиради тонг.
Хаёл – гесулари тўзғин сабртош,
Ойнинг тўлқинларин ювар қора занг.

Дунё – сутумлари қулаган равот,
Жунун водийсида бойқуш чўқилар.
Умид – елаётиб кўз теккан оқ от
Менинг азобимга додлаб йиқилар.

Камалак – осмоннинг еттида туфи,
Офтоб оташида куйиб музлайди.
Армон – қувончини йўқотган йифи,
Хотира – кўксимда бўзлайди...

* * *

Ой жамол кўрсатди зеб бериб тунга,
Ой сени эслатди ойжамол менга,
Хотирлар келдилар, хотирлар йўнган,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Олисда ястаниб, кўр тўкар боғлар,
Ойнинг нурларини маъсус қучоғлаб,
Менинг юрагимда ўртана доеғлар,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Тийғи мужгонларинг саф тортиб бўй-бўй,
Жоним чечакларин айлар лоларўй,
Канглум кулбасида интизор ҳилвуй –
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Осмон камзулига тугмалар тақиб,
Яйрайди, ойнинг рафтори ёқиб,
Мен малул, маҳзунман хотирга боқиб,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Ой жамол кўрсатди зеб бериб тунга,
Ой сени эслатди ойжамол менга,
Хотирлар келдилар, хотирлар йўнган,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

* * *

Оқшом рутбасида ҳаволар зилол,
Гоҳ майин, гоҳ салқин тус олар тилол.
Рұхим осмонида порлаган ҳилол,
Мен сени асрайман дилда жон қадар.

Ҳажр гирдoblари – түзғиган оҳ бу,
Маним юрагимда ўприлган чоҳ бу,
Армоним саҳросин сайр эттан оҳу,
Мен сени асрайман дилда жон қадар.

Хаёлим бандидир, хаёлингта қул,
Саболар бўйнида чамбарак норғул,
Сабрим чаманида унган сарвигул,
Мен сени асрайман дилда жон қадар.

Висолинг васлидан кўзларим қийғоч,
Дилимга ёр бўлгин, дил бўл, дилинг оч,
Канглум оғочига қўнган қалдирғоч,
Мен сени асрайман дилда жон қадар

* * *

Сўнгги йўловчисин кузатар вокзал,
хайр-хўш, шошишлар тин олар бир он.
Поездлар жўнайди пойтахтдан ҳар гал,
соғинчларга тўлиб қишлоқлар томон.

Чексизлик қаърига сингар чексизлик,
изтироб қатига ботар изтироб.

Соғинч – юрагимда мангу чексизлик,
хотира – кўксимда мангу изтироб.

Соғинчлар чайқалар, хотира тошар,
чопаётган вагон қабатларида.

Болалар кенгликини соғиниб яшар –
баланд уйларнинг тор қаватларида.

Кўргим келса агар Ўзбекистонни,
суйгум келса агар Ўзбекистонни,
соғинсам агар-да Ўзбекистонни,
қишлоққа жўнайман – қадим Ватанга.

Қишлоқ – кенгликларга бош қўйган олам,
қишлоқ – оқибатга суянган дунё.
Мен сени соғиниб келаман, олам,
мен сени соғиниб қайтаман, дунё!

* * *

Софинчнинг сим-сиё дайрларида
адашдим. Айролиқ соғари тўлфон.
Ёлғондир дунёнинг хайрларида,
Висоли ёлғондир, қувончи ёлғон.

Марҳамати етим, шафқати етим,
толега чўзилган илким муаллиқ.
Жафосин жафоси, ки, дурриятим,
жаврининг жавридир насиби мутлақ.

Сабримнинг сабрини сабри-да синиб,
хокистар канглумнинг тўзими тўзғир.
Чириган ёғочда қалдирғоч ини
бўм-бўш, ҳувиллайди. Шамоллар сўзғир.

Руҳим маҳзанида ганжи марварид –
қайғумнинг қайғуси осилган туммор.
Ғамлар мен саридир, азоб мен сари,
армон менга ёрдир, соғинч менга ёр...

* * *

Кўзларинг нелардир демоқчи бўлди,
тилинг айтолмади, афсус.

Юрагинг интиқ зорларга тўлди,
маҳзун-маҳзун тортди сус.

Сен сукутга чўмдинг тикилиб,
гинали қарадинг индамай.

Бағрингда нелардир тўкилиб,
бағрингда нелардир синдими?!

Бир сабр азоби синайди,
бир армон жонингга ўт қалар.
Бувишим, мени-да қийнайди,
кўзларингга чўкётган нелар?!

Кўзларинг нелардир демоқчи бўлди,
тилинг айтолмади, афсус.

Юрагинг интиқ зорларга тўлди,
маҳзун-маҳзун тортди сус.

* * *

Хаёл сенга етаклайверар,
номсиз мунглар, номсиз сукунлар.
Шомга бефарқ этиклайверар
кунлар ортидан кунлар.

Чопаман хаёлга эргашиб,
бир умид пайдодир күксимда.
Нетонг, келаверар тиргашиб
қаршимдан армонлар ўксинган.

Кўкламги майсадек тўкилар –
руҳимда қувончлар сифинди.
Хаёлимда ютурган йўллар,
хаёлимда хаёллар энди.

Хўрсинади жонимда маҳзар –
унутилган фамлар дафъатан.
Шовқинлардан нурап ҳар лаҳза
хаёлимда тикланган Ватан..

* * *

Кун оғди. Кечга товун
эсди хуш насим.

Дунё – қадимги ровий,
дунё – руҳимнинг саси.

Оқшом уфун уфуриб
кошига сурма сурар.
Дунё – узоқ йўл юриб,
дунё – ҳорғин ўлтирас.

Сочар даштлар устинда
юлдузларини осмон.
Дунё – ямоқ пўстинда,
дунё – узилган паймон.

Оқшом сепи – тугунча,
сукунат – гўзал чирой.
Дунё – нишлаган фунча,
дунё – янги чиққан ой.

Кун оғди. Кечга товун
эсди хуш насим.
Дунё – қадимги ровий,
дунё – руҳимнинг саси.

ТААЖЖУБ ШАКЛАРИ

* * *

Сен ловуллаб турган лахча чүф,
қўлларимга олов сапчир
силасам агар.

* * *

Сўнгги поезднинг
сўнгги вагонига
чиқди...
Ўтирди
сўнгги ўриндиқقا
сўнгги йўловчи...
Ўйлаб кетди
сўнгра
йўл бўйи
сўнгги йўқ нимарсаларни.

* * *

Ширт этиб узилди –
яントоқнинг қовжираган барги,
ҳуркиб кетди жизлон.

* * *

Олдга юрмай,
бирдайин ортга
тайсанлаб тисарилар қирчангি.

* * *

Кун ўтди...
урчиғин йигириб...
Тун кирди...
чархин айлантириб...
Тонгтача...
Эҳ-ҳе...
узоқ масофа –
ғафлат кечувчи...

* * *

Үйлов доим ўрталиққа тортади,
юрак – қон түлган соғар.

* * *

Гапириб-гапириб тугади гапи,
зериқади энди гапи йўқлигидан,
одамлар уни эшитиб зериккани каби.

* * *

Садақани ҳисоблаб, ҳар гал
овозга куч берар қайтадан,
хайрга қўл чўзиб тиланчи,
тушум мўлжалга етгунга қадар.

* * *

Тўполон кўтариб югурап гирвод,
ёбоннинг йиртиқ яктагин юлқилаб.

* * *

Узоқ чўзилган яланғоч ақраб:
қалдирғочлар ризқин яхлатиб,
қарғаларнинг кунин туғдирап.

* * *

Йўлга чиқмоққа чоғланган одам,
ҳаво авзойига қарайди,
қарайди
осмон кошинларига,
абрлар резгиси борми-йўқ дея...
Очиқ осмонни кўмид бағрига –
ҳаво авзойидан қидирар умид...
Йўлга чиқмоққа чоғланган одам...

* * *

Имкон –
ғаним дастидан мижиқланган тош,
акрабо дилидан тўкилган меҳр.

* * *

Куннинг қай пайтида,
туннинг қай пайти,
йўлингни тўсиб чиққанлар,
иккита нарсани қилар баҳона:
ё гугурт, ё соат...

* * *

Сўнгги иш – чала, ярим,
қисмати – қора.
Бошида синади ҳанжар.

* * *

Қадим қўрғон вайронасида
чирқиллайди изфирин.

* * *

Поезд ойнасига тегди дайди тош.
Ойна синди.

Лат еди сенинг пешонанг.
Ўйлар гирдобига ботиб ҳайронсан –
дайди тош мўлжални не эди асли:
озиб-ёзиб йўлга чиқсан сенмидинг,
ҳар кун ўтаётган поездмиди ё?!

* * *

Таҳқирга чидолмай бақирар эшик:
ташқарига учиб чиқар хиёнат,
ичкарида ҳиқиллайди пушаймон.

* * *

Чопиб бораётиб йиқилиб тушди –
тойрилиб жангалинг устига ғуур.

* * *

Келиш –
кетишнинг қайтуви...
Кетиш –
келишнинг қайтуви...
Қайтув=келиш+кетиш...

* * *

Камбағалнинг
ҳеч бўлмаганда,
биттагина дўсти бор
содик –
қамбағаллик.
Бойваччада шу ҳам йўқ.
Афсус!..
Афсус!..

* * *

Тушунтириш хати –
тунда кечган айб учун
кундуз қилинган тавба.

* * *

Вақтни ўтказди армонсиз.
Югурди армонсиз.
Елди армонсиз.
Қолмади у юрмаган кўча.
Қолмади у кирмаган сарой.
Қолмади у кўрмаган ҳашам.

Қолмади у құлмаган ишрат.
Қолмади у тотмаган таом.
Қолмади у киймаган либос.
Сүнгра... кетди бари...
Сүнгра... ҳавога учди
шамолда соврилған қипиқ сингари.
Сүнгра... ҳувиллаган қанғлуда қолди
армон армонсиз...

* * *

Туши юрагига солар хавотир –
Тушидан сесканиб, учиб тушар оёғи.

* * *

Совуққина тиржайиб унинг
оғзида ялтиллар темирлар.

* * *

Ёлғиз чўкиртакнинг тупроғи енгил,
териси юпқа.
Изларидан кўтарилиган чанг,
анчагача тўзғир ҳавода.

* * *

Булоқлар – бойчечак қони,
йиғлаб-йиғлаб кўр бўлган кўзлар.

* * *

Бир лаҳза бўлса-да,
Ҳақиқатни сез.
Бағриға отилгин,
бу аччиқ Бахтнинг.

* * *

Кўчаларда оғир юк чўккан,
узоқ сафардан сўнг
тин олар чарчоқ.
Олис йўл олдидан
тонг ростлар нафас.

* * *

Биёбон – сукунат.
Канглуда азоби тахланган бева.

* * *

Кун узоги дайдиб,
тун эниб,
қўналғага қайтган қарғалар,
дараҳтларнинг бошига миниб,
жой талашиб боғда дод солар.

* * *

Умид – эшикларни қоқаётган гўдак.
Меҳр кўргазинг унга,
унга очинг Ишонч эшикларини.

С Е Н

Достон

Сен йўғ эдинг... Келдинг...
Йўл – соғинч... Вақт – соғинч...
Макон – соғинч... Сусамбил...
Кангул – соғинч... Ҳақ – соғинч...
Имкон – соғинч... Ў, танг дил...

Сени билмасдим... Билдим...

Канглумга бир уфун югурди,
армонларим сирилди – шайдо.
Англолмадим мен-да бу сирни,
ҳувайдо, ҳувайдо, ҳувайдо...

Сени танимасдим... Танидим...

Нигоҳим кўшкида эркалаб –
елдирим саболар гулузор.
Минг йилки канглумни тилкалаб –
бир исм яшайди интизор...

Сени топмагандим... Топдим...

Жоним ҳовурида жизғанак:
умидлар – бераҳим,
умидлар – раҳим...
Равонлари узро пўпанак
соғинчларнинг бузилди тахи...

* * *

Маним канталума чизмиш тасвирини
зулфизар соғинчлар фариштам.
Ҳуснингнинг ман каби зор – асирини
битигида заҳрабо рақам.

Сени севмоқ камдир, ўйламоқ камдир,
кўйингда адолик – муқаддар жазо.
Карашмангда олам ишваси жамдир,
ғамзангда кавнайн нози руҳафзо.

Мен сени ўйлайман, ўйлаб қоламан,
хаёлим риштаси узилган.
Соғинчдан ситилган узуқ толаман,
нигоҳи сен сари чўзилган.

Соғинчим титилар, соғинчинг титиб,
сенга не дей?..

Оҳлар...

Тўлиш...

Тўкилиш...

Мен севган сўз – мангу сукутга кетиб,
ёнингда жимгина уз-о-оқ тикилиш...

* * *

"...гоҳо менга сизни гуё минг йилдан бери
билалигандай туюлади... Чехрангиздаги ҳар
бир ифода шу қадар қадрдонки... Шунда бе-
ихтиёр руҳнинг қайта-қайта дунёни йўқлаб
туришига ишонаман... Сиз – сизсиз...

Софиниб-софиниб кутганим – дунём...
Юрак-юрагимдан талпинган биттам...

Мана шунинг ўзи баҳт... Ғийбату ташвиш, алдамчи шодлигу яна нималаргадир тўлиб-тошган ҳаётда сизнинг борлигиниз нималаргадир ундиайди... Нималарнидири ваъда қилаоди... Ҳозир түн... Мен хонамда ёлгиз ўтирибман-у, хаёлим олис-олисларда... Ҳазон боссан йўлкалардами... уфқдан отишган найзалиардами... Хуллас, қаерлардадир... Шуниси аламлики, ...ҳозир Тошкентда ҳам түн... Ўртада масофа бор... БУЮК МАСОФА – ОЛИСЛИК..."

Сен – ёлғизлик каби жимжит...

Сен – ёлғизлик каби гўзал...

Сен – ёлғизлик каби фамгин...

Сен – ёлғизлик каби ёлғиз...

Сен – ёлғизлик каби...

Сен – ёлғизлик...

Сен –...

Ёлғизлик – сен каби сукун...

Ёлғизлик – сен каби хушрўй...

Ёлғизлик – сен каби маъюс...

Ёлғизлик – сен каби танҳо...

Ёлғизлик – сен каби...

Ёлғизлик – сен...

Ёлғизлик –...

* * *

Нигоҳларинг айтар соғинчларингни,
жовдирап милтираб ёшлари.

Канглунгнинг ийманган боғичларини
нигоҳларинг узиб ташлайди...

Нигоҳларинг сўзлар яхшироқ,
тилинг ботинмаган борингни.
Сўзлар, ичга ола-ола минг қуроқ –
уваланган зорингни.

Ҳолига қўй нигоҳларингни,
бир лаҳза қўй рафторларига:
тўксин зардоб бўлган оҳларингни,
тўйдирсинг соғинчларинг ифоларига...

Дийдаси тош вақтнинг қобиргалари
майишиблар кетсин, суюнчи
кўтаролмай соғинчларинг собиргаларин...
... Соғинчларинг соғиндим, соғинчим...

* * *

Сен – моҳсан, сен – моҳсан,
гул – моҳисан, гул – моҳи.
Канглум қидирган оҳсан,
канглумда қолган оҳи...

Сен – гулсан, сен – гулсан.
моҳ – гулисан, моҳ – гули.
Қалб қидирган сунбулсан,
қалбда қолган сунбули...

Сен – малакасан, малаксан,
хұр – малаги, ҳұр – малак.
Дил истар камалаксан,
дилда қолған камалак...

Сен – ҳұрсан, сен – ҳұрсан,
малак – ҳури, малак – ҳұр.
Рұх истар қайфудирсан,
руҳда қолған қайфудур...

* * *

"...Күнлар югуриб ўтяпти... Мен бўлсам ҳали-
ям қанақадир умид билан яшайман..."

Сен умид эдинг. Юрагимда –
ғунчалаган қўзигул.
Насимларнинг элагидан
соврилиб тўкилган гул.

Шажараи ишқ ёзуғи –
хотиримга айланган сунбул.
Мушкул – унут чизифи,
мушкул – унутмоқ, кангул!

Сени унутмоқ... Азоб...
азобдир ўйларинг яна-да.
Ундан кўрам ортиқроқ изо
ўзимни алдаш саналар.

Хотиримнинг бағридан фақат
излайман, хотирим-да гунг.

Хотиримнинг тахманида қат-қат
тахланиб ётади мунг.

Хотиримнинг сарғайган даштларида –
қовжираган сафсар суяги.

Шўришларим шўр ашкларидан
хотирим куяди.

Жимиб кетдинг...

Жимиб...

Жимгинам...

Кўҳна чарх бепарво айланәтири.

Юрагимда оҳ уради ғам,
юрагимда йиглайди хотир...

* * *

...Хонамга бир-р буйладинг, шамол,
бир-р бўйладинг-а, қайтдинг.
Мен илға-аб улгурмай, шамол.
хайр сўзини айдинг.

Шамол... Ортингдан чиқдим. Қарадим,
симиirlар югурад сим-сим.

Шамол... Юрагим ярадир,
шамол... Доғлидир кўксим.

Шамол... Сен қайларга кетасан?
Шамол... Сен бунчалар бепарво?
Шошиб келасан-а, шошиб кетасан,
рухсорингни күрмайсан рано.

Шамол... Шошма. Шошмагин. Тұхта,
хеч бүлмаса, тұхта бир фурсат.
Маконингни айтиб кет, йўқса,
шамол. борар йўлларни кўрсат.

Шамол... Мен, ахир, кутаман, ўртаниб,
сени интиқ кутаман, шамол.
Бағримга босаман ҳижронинг,
доғларингни қучаман, шамол...

Шамол-л...
Ша-мо-ол...
Ша-мо-ол...л...л...

* * *

Сени кўрсам дилдан армон кетгувси,
Саргардон битгувси, сарсон битгувси,
Шабистон етгувси, шаъбон етгувси,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

Мискин бу жонимнинг бардоши бўлгин,
Ҳақири монимнинг йўлдоши бўлгин,
Фарид паймонимнинг қўлдоши бўлгин,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

Муруват борки – сен, меҳр борки – сен,
Суруват борки – сен, сеҳр борки – сен,
Нуруват борки – сен, нуҳр борки – сен,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

Мулки борлиғингдан бир имо раво,
Қандай мўъжизасан, қандайин маво,
Атони куйдирган сен – Момо Ҳаво,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

* * *

Бунда ёмғир ёғяпти,
сен яхши кўрган ёмғир...
Сени соғинганимни англадим ногоҳ...
"Ёмғирнинг соғинчга нима дахли бор?..." –
Кантлунгдан ўтар балки ҳайронлик...
Ёмғирга чўмилиб ётар хиёбон...
Нозланиб шитирлар заъфар яфроғлар...
Шундай манзар ёқимли эди,
юрадинг узоқ-узоқ...
Шундай манзар...
Бунда ёмғир ёғяпти,
сен яхши кўрган ёмғир...
Бунда ёмғир ёғяпти...
Сен томонда-чи?!.
Сен томонда...
қақраган ҳаво...
Бунда ёмғир ёғяпти,
сен яхши кўрган ёмғир...
Бунда...
...Ёмғир...
...Соғинч...

* * *

"... Сокишлик түшалган йўлаклар жойида-
ми?.. Майли уларга канглунгизни ёршиг... Бор-
сам, улардан канглунгиз ёриқларини териб
оламан... Шивирларини териб оламан..."

"... Ҳаёт мен ўйлаганимдан кўра, мурак-
каброқ, қийшироқ экан... Мана шундай қийин
дақиқаларда сизни кўргим, ишглаб нималарни-
дир гапириб бергим келаверади..."

Хатларингда уч нуқталар кўп:
ғамгин қарап,
ғамгин термулар.
Юрагингнинг қадоқлари бўп
ўсади уч нуқталар.

Тўқилади канглунг яфроғлари моҳ,
еллар шиквасида йироқдан-йироқ.
Уч нуқталар – сўлғингина оҳ,
уч нуқталар – титроқ.

Ҳижронлар тоифин кечади –
хотирларнинг муnis пайкони.
Уч нуқталар – дарди ичида
сабрларнинг занглаған қони.

Айттолмаган сўзларинг улар,
фироғлар сиғмаган шикаста.
Карбало даштида сунбуллар.
Қайс кўксига бош қўяр аста.

Софинчларинг дилда дилафгор –
куйдиради, ай, сиқталарни.
Сезмоқ учун уларни такрор –
такрор ўқийман уч нуқталарни...

* * *

Сукунатни соғиниб канглум,
сукунат – руҳим тилови.
Сукунат – сенга элтгувчи йўлим
буриб жиловин.

Канглум сукунатни соғинар,
истайди сукунат гурунгин.
Сукунат сирқиб,
сукунат инар –
рангин, рангин, рангин...

Қалбим томирлари илинган
ройиши, хоҳиши мустардир.
Соғинар хотирлар гурунгин,
армонлар гурунгин истайдир.

Соғинар... ва яна хаёлнинг
гурунгин субҳида шабистон.
Қирқ ўрим зулфлари ҳилолнинг
тобистон, тобистон, тобистон...

Қайғулар келади сурилиб,
соғиниб келади фамлар.
Юрагим очаман бурилиб
бир камлар, бир камлар, бир камлар...

Айролик ўйдими ўйиқ –
нетаман, дилимни ситаман...
Бир куни... бағрингта бош қўйиб,
сукунат, сен сари кетаман...

Сукунат бир моҳнинг рухсори,
бир моҳдан тараган анбар.

Сукунат узоринг –
суманбар, суманбар, суманбар...

Бир куни... Сен томон учаман,
сукунат жонимнинг тайри,
Бир куни... Мен сени қучаман –
руҳим қатларида ухлаган сайри...

Софиниб, излаблар кетаман,
бир куни... интизорим сукунат...
Бир куни... Васлингга етаман –
мен сени севаман, сукунат...

* * *

"...Оқшиом сизни кўп эсладим... Билмадим,
нима учун?!"

"...Қайси кечагалати туши кўрибман... Сиз
бир хонада ўлтирган эмишсиз... Мен кириб
борибман... Сиз ўршиниздан турибсиз... Мен
га қўлларингизни чўзибсиз... Шу пайт, дераза
очилиб қетибди-ю, оппоқ қогозлар учиб кириб-
ди... Ўртамиизда оппоқ қогозлар... Улар оқкуши-
лар янглиг учиб юрганиши..."

Сирларинг – қизғалдоқ мүғжаси,
толбаргак мушклари – армонинг...
Кавкабнинг титилган бўғчаси,
увада зарғалдоқ чопони...

Тушларингни юборгин ҳилол,
тушларим бағрингда эркала...
Бир дарё – сувлари зилол,
бир гулшан – бўйлари силсила...

Қайрилдинг... Таштадинг назар...
Коронги дил... Оқ-ойдин...
Хиёбон устида юлдузлар сузар,
балиқлар учар сойдин...

Сен-сабрим ҳайрати...
..... руҳим ҳаяжони...

Сен айро, тугайди сабрим қийрати,
сен айро, тўлади руҳим паймони...

Сен айро, урчиғин йигириб рўш-рўш,
калава зангини қотади.

Сен айро, кўксимга босиб тўш
чуркаган надомат ётади...

Сен айро, канглумнинг кунжида
ёнмайди, ёқилган жинчироқ...
Толенинг дарз кетган пинжида
кўклайди фироқ...

Сен айро, шафқатнинг қони увишиб,
сен айро, нафратнинг тифи узала...

Сен – тасаввуримда қолган бувишим,
Сен – мангу оқила,
сен – мангу гўзал-а?

* * *

Йўлларингда муштоқ кўзларим куйгай,
Тилимни ёндириб, сўзларим куйгай,
Ўйласам ўйларим, бўзларим қуйгай,
Сўнгти оҳи менман очуннинг.

Дариф дунё, дастипартоб, ўзимман,
Ҳижрон сихларингга кабоб, ўзимман,
Илкинг узат кишвар, тоб, ўзимман,
Сўнгти доғи менман очуннинг.

Армон, макон сўрсанг, мен, макон, келгил,
Рұҳим равон сенга, кел, макон, келгил,
Фам ила суйгайдир, бул макон, келгил,
Сўнгти фами менман очуннинг.

Бенаво канглумнинг мунгли Лайлиси,
Ҳажрин бериб кетган ҳунгли Лайлиси,
Моҳим, сен очуннинг сўнгти Лайлиси,
Сўнгти Қайси менман очуннинг.

* * *

Орзулар тарқ этар, сарсари,
кўз очиб юмгунча онлар.

Гўшасига қайтган қушлар сингари
канглунгда чарх ураг армонлар...

Висолнинг ғамзаси – туман,
навозиш канори – бурилиқ.

Солланиб иржаяр ёсуман –
канглунгга чўккалар айрилиқ...

Рисолат тарзи – сарнигун,
фарсада жамоли – хира.

Тақрибнинг бошида тугун
чамбарак ўраг...

Танаввур ихрохи бастина
олади занжибар тўкиб.

Довини ташлайди қасдингга
лолаи нўъмоннинг юқи...

Узоклашиб борар тобора
завқлар, орзулар, ҳайратлар.
Қалдирғочнинг муроди пора –
дийдасинда ёнар пайрахлар...

Гина дош-дош, кудурат дош-дош,
тўлишар пушмонлар, афсулар.
Тунлар сенга меҳрибон сирдош,
тунлар мени қадрдон туслар...

Шундай.

Келдинг...

Үтирдинг бир фасил...

Софинчларингни айтдинг,

айтдинг сел бўлиб...

Эшитдинг софинчларимни,

сел бўлиб эшитдинг...

Сукутга чўқдик бир фасил,

иқкимиз айландик сукутга...

Бир маҳал...

сен хўрсиндинг...

Дединг:

— Мана, яна кетяпман!

Сескандим...

санчили кўксимнинг чап ёғи...

— Йўғ-э?! Дарров-а?!

Ўт олди таним...

Яна-да чуқурроқ хўрсиндинг...

Дединг:

— ...Софинчларим қолдириб сизга,
софинчлариз олиб кетаман.

Илинжим йўқ,

софинчлариздин ўзга,

уларга товун ҳотифтаман.

Ахтараман,

излайман илҳақ,

сизни фузун софинчларимдан...

Шундай...

Кетдинг...

"БУЮК МАСОФА – ОЛИСЛИК..."

Олислардан келган олис йўл...

Олисларда қолган олис йўл...

Олисларга кетган олис йўл...

Олислардан келган олис умид...

Олисларда қолган олис умид...

Олисларга кетган олис умид...

Олислардан келган олис хотира...

Олисларда қолган олис хотира...

Олисларга кетган олис хотира...

Олислардан келган олис ишқ...

Олисларда қолган олис ишқ...

Олисларга кетган олис ишқ...

Олислардан келган олис маҳзун...

Олисларда қолган олис маҳзун...

Олисларга кетган олис маҳзун...

Олислардан келган олис соғинч...

Олисларда қолган олис соғинч...

Олисларга кетган олис соғинч...

Олислардан келган олис сен...

Олисларда қолган олис сен...

Олисларга кетган олис сен...

Мундарижа

"Канглум..."	3
"Касби кулоли..."	4
"Кетиб бораман..."	5
"Изғирин ялаган сирпанчиқ..."	6
"Назар ташлаб..."	7
"Сабух..."	8
"Уйимда яшайды бир соғинч..."	9
"Мен сени ўйлайман..."	11
"Салқин-салқин кунлар бошланды..."	12
"Кангул ришталари..."	13
"Шамс дейинми..."	14
"Номли-номсиз дардлар..."	15
"Иккимиз ҳеч қачон..."	16
"Соғинчимни сўйласам мабод..."	17
"Узоқларда иккита қора..."	18
"Хатом ўзимники..."	19
"Тунги дарё..."	20
"Юрагимда армон-армон..."	21
"Бегали Қосимов қизини узатди..."	22
"Эзилган аёлни ташвиш йиқар-да..."	23
"Сен мени эслайсан..."	24
"Яқиндирсан савол қадар..."	25
"Бир кун..."	26
"Таътил тугар..."	27
"Ишим юришади..."	28
"Тамом, паймонлар тамом..."	29
"...Ва бошқалар – номи йўқ исм..."	30
"Бир ниғоришишқига боғланди хаёл..."	31

"Муюмлар уюми..."	32
"Югурап вақт..."	33
"Ҳар гал мени етаклаб келар..."	34
"Канглум, яна сенга бақамти келдим..."	35
"Узоқнинг гапи..."	36
"Мен сенга қараганды..."	37
"Туфроққа сингиган томчилик маҳзун..."	38
"Тўзғиб ётар дагар ёбонлар..."	39
"Бу кеч тун чўзилди..."	40
"Сени олиб кетаман..."	41
"Қулф узоқ кутди..."	42
"Йўл юрарман, оё-оё..."	43
"Пойида соғинчлар..."	44
"Сўзларингда титрайди гила..."	45
"Кўзларингни тўйдир қизғалдоқларга..."	45
"Кимдир сени соғинса дилдан..."	46
"Мен – бир армон..."	47
"Ой жамол кўрсатди..."	48
"Оқшом рутбасида ҳаволар зилол..."	49
"Сўнгги йўловчисин..."	50
"Соғинчнинг сим-сиё..."	51
"Кўзларнинг нелардир демоқчи бўлди..."	52
"Хаёл сенга етаклайверар..."	53
"Кун оғди..."	54
Таажуб шакллари	55
Сен. Достон	62

Адабий-бадний нашр

Икром ОТАМУРОД

СЕН

Шеърлар ва достон

Муҳаррир

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

Мусаҳҳиҳ

Абдугафур Искандар

Ношир

Тўлқин Нурмуҳаммад

Техник муҳаррир

Елена Нафиковна

ИБ № 3412

Босишга 1999й.19.11да рухсат этилди. Бичими
35x42 1/16. Ялтироқ силлиқ қофоз. Жами 2000
нусха. 46-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Ёшлари "Камолот" жамғармаси
"Қатортол-Камолот" ишлаб чиқариш-нашириёт
корхонаси. 7000113, Тошкент, Чилонзор, 8-мавзе.
Қатортол кўчаси, 60

150e



Икром Отамурод

Сен-ёлғизлик каби жимжит...
Сен-ёлғизлик каби гүзал...
Сен-ёлғизлик каби ғамгин...
Сен-ёлғизлик каби ёғиз...
Сен-ёлғизлик каби...
Сен-...